



ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССИДА ЖАБРАНУВЧИ ТУШУНЧАСИ ВА УНГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР МАСАЛАЛАРИ

Хўжамқулов Алишер Йўлдошевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар

Олий Кенгаши ҳузуридаги судьялар

Олий мактаби Жиноий фаолият йўналиши магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6422471>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-mart 2022

Ma'qullandi: 20-mart 2022

Chop etildi: 25-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

Жабранувчи, зарар
етказиш, жиноят-
процесси, суд, фуқаролар,
ҳуқуқлар, эркинликлар,
маънавий, жисмоний,
мулкӣ.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Жиноят-процессда
жабрланувчи тушунчаси ва унга етказилган зарар
масалаларига тўхтаб ўтилган бўлиб, жабранувчи
тушунчасига доир олимларнинг фикрлари таҳлил
этилган. Шунингдек, Жиноят-процессда
жабрланувчига жиноят орқали етказилган зарар ва
унинг миқдори билан боғлиқ масалалар ҳам
ўрганилган.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ
тизимининг ислоҳ қилиш, аввало, инсон
манфаатларини олий қадрият сифатида
тан олинishi асосида шахснинг ҳуқуқ ва
манфаатларини ҳимоя қилишнинг
тизими шаклланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
Ўзбекистон Республикасининг 2022–
2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт
стратегиясида 100 та мақсад 7 та
йўналиш белгиланган бўлиб, Янги
Ўзбекистон «Инсон қадрӣ устувор
бўлган жамият ва халқпарвар давлат»,
деган муҳим ғоя негизда барпо
этилмоқда. Давлатимиз раҳбари
белгилаб берган бу улуғвор мақсад
асосида халқимиз янгидан-янги
ислохотларнинг ҳақиқӣ муаллифига
айланиб бормоқда. Шу муносабат билан,
«Ҳаракатлар стратегиясидан –

Тараққиёт стратегияси сари» тамойили
асосида кейинги беш йилликда
мамлакатимизда амалга ошириладиган
ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқӣ,
ижтимоӣ-иқтисодӣ ва илмӣ-
маърифӣ асосларини яратиб беришга
қаратилган. Тараққиёт стратегияси
лойиҳасида белгиланган йўналишлар
юзасидан инсон қадрини юксалтириш
ва эркин фуқаролик жамиятини янада
ривожлантириш орқали халқпарвар
давлат барпо этиш. Асосийси
мамлакатимизда адолат ва қонун
устуворлиги тамойилларини
тараққиётнинг энг асосӣ ва зарур
шартига айлантириш асосӣ
йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2020
йил 10 августдаги «Суд-тергов
фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва



эркинликоларни ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплашга кўмаклашишнинг самарали механизмларини ўрнатиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш вазифаси белгилаб берилди.

2019 йил 14 январь куни қабул қилинган «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сонли қонуни жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ҳимоясини кафолатлайдиган чора-тадбирлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган амалий механизмнинг ишлаб чиқиши ва уларнинг амалий таъсирчанлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Жиноят процесси иштирокчиларининг, айниқса жабрланувчилар ҳамда жиноятга у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масаласи илгари ҳам жуда долзарб муаммолардан бири бўлган. Шу билан бирга, ҳуқуқий давлат барпо этилаётган ҳозирги шароитда у кечиктирилмай ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бирига айланди. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборатдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида жабрланувчи: 1) жабрланмоқ, жабр-зулм қилмоқ, қийнамоқ, азоб бермоқ; 2) моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ. Жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган шахс тушунилади.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ёритишдан олдин жабрланувчига оид ҳуқуқий меъёрларга эътибор қаратадиган бўлсак, жабрланувчи бу ЖПКнинг 54-моддасига мувофиқ жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган жисмоний шахс бўлиб, далиллар бўлган



тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Шахснинг жабрланувчи тариқасида дарҳол тан олишни таклиф қилади, чунки шахсга жабрланувчи мақоми берилишининг кечиктирилиши унинг жиноят процессида фаол иштирокини чеклайди.

Жиноят процессида жиноят орқали етказилган зарар ва унинг миқдори тергов ва суд ҳаракатлари давомида аниқланади. Аммо бу ҳолат шахснинг ўзи арз қилган пайтдан бошлаб унинг жабрланувчи деб тан олинишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда зарар кўрган шахс ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоясини амалга ошира олмайди.

Холбуки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (ЖК) 14-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, «ушбу Кодекс билан кўриқладиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади». Аммо жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нинг 54-моддасида эса «жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади» дейилган. Шу ўринда ушбу қоидаларнинг ўзаро мос келмаётганини кўриш мумкин. Маълумки, ЖК 25-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ «Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва

жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади» деб белгиланган.

Бир қатор хорижий давлатлар Швеция, Германия, Озарбайжон жиноят процессуал қонунчилигида шахснинг ҳуқуқлари бузилишининг ўзи уни жиноят қурбони сифатида тан олинишига асос бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Умуман айтганда, «жабрланувчи» тушунчаси жиноят-ҳуқуқий фанлар тизимида турли жиҳатларда намоён бўлади. Моддий ва процессуал ҳуқуқда «жабрланувчи» атамаси Болгария ва Руминия жиноят-процессуал қонунчилигида «зарар кўрган» атамаси сифатида қўлланилади. Хорижий манбаларда «жабрланган» ёки «зарар кўрган» атамасидан фойдаланилади. Ўзбек тили нуқтаи назаридан қараганда, юқоридаги барча атамалар бир хил маънога эга бўлса-да, юридик нуқтаи назаридан уларнинг маъноси турличадир.

Баъзи олимлар (А.Н.Красиков, Д.В.Ривман, Л.В.Франк ва бошқалар) жиноят жабрланувчиларига бевосита жиноят натижасида зарар етказилган алоҳида шахсни киритадилар¹. Бу маънода уларнинг фикрига қўшилса бўлади.

Иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, ҳуқуқ ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти жараёнида жабрланувчи ўзининг жиноят-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрни, шахснинг ҳуқуқ

¹Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб., 2002. 26–с.



ва эркинликларини, хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги таълимотларида ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасига кўра, «жабрланувчи, шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади»².

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида «Жабрланувчи деб жиноят натижасида етказилган маънавий, жисмоний зарар кўрган шахсга айтилади». Ушбу кодекслардаги «жабрланувчи» тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи назаридан тушунилади. Берилган фарқлар моддий ва процессуал мезонларнинг аралашиб кетганидан дарак берарди.

Адабиётларда жабрланувчи юридик мезонининг моҳиятига кўра, моддий ҳуқуқ тизимига мансублиги билан ажралиб туради. В.Г.Квашиснинг фикрича, жиноятдан «жабрланган шахс» тушунчасини аниқлаш учун жиноят ҳуқуқига мурожаат қилмоқ лозим. «Жабрланувчи» тушунчаси моҳияти жиҳатидан бу ҳуқуққа тегишли бўлиб, зарар ҳақидаги билимлардан олинган, яъни бировга у ёки бу жиноятдан етказилган зарар эътиборга олинади³.

Объектив реалликда жабрланувчининг пайдо бўлиши тергов ҳаракатларини олиб боришга ваколатли

шахслар иш юритувига боғлиқ бўлмай, балки шахсга зарар етказилгандагина вужудга келади. Жиноят процессуал қонуни эса, фақат зарар етказилганлик фактини аниқлаш ва жиноят ишида иштирок этиш масаласини ҳал қилади.

Жабрланувчининг бундай жараён орқали «пайдо бўлиши»ни қонунчилик инкор қилади. В.И.Каминскаянинг фикрича, бу «жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилиги қоидалари асосида ишлаб чиқилади. Аммо баъзи бир жиноят-ҳуқуқий тушунчалар борки, ҳатто жиноят қонунчилигида ҳам берилмаган». РФ ЖПКнинг 42-моддасини таҳлил қилган И.В.Лиманская ва бошқа олимлар жабрланувчини жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқидаги умумий тушунча деб ҳисоблаб, «биринчи навбатда, жабрланувчининг моддий-ҳуқуқий маъносини ва, иккинчидан эса, қайси ҳолатларда жабрланувчи жиноят процессининг иштирокчиси бўлиши мумкинлигини аниқлаб берадилар»⁴.

Ушбу олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, биринчи навбатда, шахснинг манфаатларига зарар етказилишини ва унга нисбатан тажовуз қилинишини кўрамиз. Шунингдек, бунда жабрланувчининг алоҳида моддий-ҳуқуқий белгилари очиқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 295-моддасига кўра, «жабрланувчи деб маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий,

²Jinoyt-protsessual huquqi. Darslik. Umumiy qism. / Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU. 2017. 103–v.

³Квашис В.Г. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. – М., 1999. 28–с.

⁴Лиманская И.В. Виктимологическая профилактика насильственных преступлений против личности. Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2002. 28–с.



жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсга айтилади».

Баён этилган маълумотлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида юридик мезонлардан фойдаланишни енгиллаштириш масаласини ўртага қўяди. Жиноят қонунига «жабрланувчи» тушунчасининг киритилиши қонунни талқин қилишнинг бир тамойили ҳисобланади. Бир атамани қонунчиликнинг турли қисмларида бир неча бор қўллаш нотўғридир. Фикримизча, жабрланувчи моҳиятининг моддий ва процессуал маъноларга бўлиши етарли эмас. Бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мезонларни тўғри талқин қилиш лозим. Чунки жиноят-ҳуқуқий маънодаги жабрланувчи билан суд ишни кўриб чиқилгунига қадар бўлган жабрланувчини фарқлаш лозим. Унда жабрланувчи процессда иштирок этиши ва зарарни қоплашни талаб қилиши билан фарқланади. Бошқа тарафдан атамаларнинг умумийлиги жиноят-ҳуқуқий масалаларга ҳам тегишлидир.

Баъзи адабиётларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят содир этилиши натижасида зарар кўрган шахсни аниқлашда жиноят-ҳуқуқий маънода «зарар кўрувчи», жиноят процессида эса «жабрланувчи» деб аташ ҳақидаги таклифлар ҳам илгари сурилган⁵. Бу таклифлар назария доирасидан четга чиқиб кетишга олиб келади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «жабрланувчи» деганда, жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган шахс тушунилади⁶.

В.Г.Квашис жабрланувчи тушунчасини очиб беришда қуйидаги белгиларни ажратиб кўрсатади: «Жабрланувчи жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин. Жабрланувчи – маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган шахсдир. Жабрланувчига зарар жиноят натижасида етказилган бўлиши лозим. Агар жиноят бўлмаса, жабрланувчи ҳам мавжуд бўлмайди»⁷.

Жабрланувчи атамасининг мазмунини белгилашда жиноятнинг тугалланган ёки тугалланмаганлиги, тажовуз ва зарарнинг, зарар кўрувчининг мавжудлиги; уларнинг қилмиш билан боғлиқлиги каби умумий белгиларни кўрсатиш лозим.

Адабиётларда зарар кўрганлар нафақат жиноятдан, балки ақли норасоларнинг хавфли қилмиши оқибатида ҳам зарар кўриши мумкин, деган тушунчалар пайдо бўлиб, улар назариядан четга чиқиб, қонунларда ҳам ўз ифодасини топди. Масалан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 49-моддасида «Жиноят жараёнида жабрланувчи шахс деб топиш учун унга нисбатан жиноят оқибатида маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарар етган бўлиши керак», деб белгиланган.

Жиноят ҳуқуқида қарама-қарши фаолият юритишда бир қанча сабаблар мавжудлиги назарда тутилган:

⁵С.С.Ниёзова. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий ёндашувлар. Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. Т.: 2018 йил №4.Т.ТДЮУ. -Б.82-86.

⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.2. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 61–6.

⁷Квашис В.Г. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. – М., 1999. – С.30.



биринчидан, ушбу фаолият натижасида зарарли оқибат келиб чиқади. Масалан, шахсга зарар етказилиши мобайнида «охирги зарурат» чегарасидан четга чиқса, унда жиноят-ҳуқуқий мазмунда зарурий чора ҳақида сўз бориши мумкин эмас. Иккинчидан, зарар етказувчидаги жиноят ҳуқуқи учун қизиқиш уйғотувчи ҳолат шундаки, унинг таркибида баъзи турдаги жиноятлар каби «ўхшашлик» мавжуд. Жиноят қонунлар шахсий ва жамоавий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, қоида бўйича уларнинг ҳуқуқбузарлиги баъзи бир аниқ усуллар билан ифодаланади⁸.

Жиноятчиликнинг ажралмас белгиси – ҳуқуқнинг бузилиши (зарар етказилиши) бўлиб, жабрланувчининг «пайдо бўлиши» ва жалб этилиши учун асос бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқладиган ҳуқуқлар жиноий жавобгарлик ёшига етган, лекин руҳий бузилишлар билан боғлиқ бўлмаган руҳий ривожланишда бўлган шахс томонидан бузилса, бунда зарар жамият учун хавfli хусусиятга эга бўлади. Ушбу қилмиш эса, «охирги зарурат» ва «зарурий мудофаа», «Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш (ЖКнинг 41¹-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21¹-моддаси)»да ўз ифодасини топиб, жабрланувчи бу қилмишнинг объекти ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавий, жисмоний ва мулкый зарарнинг етказилиши жабрланувчининг «пайдо бўлиши»га асос бўлади.

Жиноят туфайли етказилган зарар жисмоний, маънавий ёки мулкый (моддий) зарар шаклида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра, шахсга етказилган ҳар қандай зарар ундирилиши лозим. Жиноят туфайли етказилган мулкый зарар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва энг кўп тарқалган зарар турларидан биридир. Бундай зарарни ундириш эса жиноят процессида фуқаровий даъво кўринишида амалга оширилади ва у Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-бобида бевосита кўзда тутилган.

Жиноят процессида бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкый зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар кўрилади.

Жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни ундиришнинг жиноят-процессуал шаклларида энг самаралиси фуқаровий даъво ҳисобланади. Ушбу қўлланмада жиноят процессида фуқаровий даъвони кўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ масалалар батафсил ўз аксини топган.

Хулоса қиладиган бўлсак, жабрланувчининг процессуал мақомини тушунтириш учун «жабрланувчи» ва «жиноят қурбони» тушунчаларини таққослаш лозим, чунки ҳар қандай

⁸Квашис В.Г. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. – М., 1999. 30–с.



жиноят қурбони жиноят процессида жабрланувчи бўла олмайди. Бу асосан латент жиноятлар қурбони ва жиноят қурбонининг ўлимини келтириб чиқарган жиноятларга хосдир ва «жиноят қурбони» тушунчаси «жабрланувчи» тушунчасидан кенглигини исботлаган. Жабрланувчи деганда жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган

жисмоний ва юридик шахс тушунилишини ва «жабрланувчи», «жабр кўрган» ва «жиноят қурбони» бир тушунчани англатувчи синоним сўзлардир. Ушбу тушунчалар қаторига «жабрдийда» тушунчасининг қўшилиши жабрланувчиларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватланишга муҳтожлигини белгилайди.